**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА**
**МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**«*Ғазначилик тизимида назорат*» фанидан**

**Амалий машғулотларни олиб бориш учун**

# ***Услубий кўрсатмалар***

**Наманган - 2010 йил**

Тузувчи: кат. ўқ. И.Иброхимов

**Тақризчилар: и.ф.н. , Қ. Юлдашев (НамМИИ)**

**и.ф.н. , доц. И.Сирожиддинов (НамМПИ),**

Ушбу услубий кўрсатма “ Молия ” кафедрасининг 2010 йил _______даги йиғилишида кўриб чиқилган ва ________ сонли баённомаси билан тасдиқланган

Услубий кўрсатма институт ўқув –услубий Кенгашининг 2010 йил ____даги йиғилишида маъқулланган

## *Сўз боши*

Ўзбекистон Республикасида молиявий-иқтисодий инқироз шароитида дашшт молияси тизимида чукур иктисодий ислоҳотлар амалга ошириш жадал суръатлар билан амалга оширилмокда. Умумдавлат молия тиззимининг бош бўғини - давлат бюджетини бошқариш, бюджет жараёнини ташкил этиш тизимидаги ислоҳотлар, хусусан бюджет ижросида кассали тизимдан жаҳон амалиётида синалган ва ўзининг ижобий натижаларини берган давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтиш амалга оширилмокда. Шу нуқтаи-назардан таъкидлаш жоизки, ушбу тизимга хизмат қилувчи муайян билим ва кўникмага эга бўлган мутахассис кадрларни тайёрлаш - давр талабидир.

## *Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари*

"Ғазначилик тизимида назорат" фанини ўкитишдан максад - талабаларга давлат бюджетининг ғазна ижроси жараёнида амалга ошириладиган назорат ҳақида назарий билимлар бериш, уларда мамлакатда амалга оширилаётган институционал ислоҳотларнинг бугунги босқичида давлат молия тизимида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ва ғазначилик тизимида назоратни амалга ошириш бўйича асосий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда мазкур фан ўз предметини ўрганиш учун қуйидаги вазифаларни қўяди:

-ғазначилик тизимида назоратнинг зарурлиги, моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;

-ғазначилик тизимида назоратнинг амал қилиш асослари ва вазифаларини ўрганиш;

-ғазначилик фаолиятида назоратнинг ташкилий асослари ва шаклларини ўрганиш;

-ғазначилик тизимида давлат бюджети даромадлари шакллланиши назоратининг хусусиятлари ва вазифаларини ўрганиш;

- ғазначилик тизимида давлат бюджети харажатлар ижроси назоратининг хусусиятлари ва вазифаларини ўрганиш;

-ғазначилик органлари томонидан амалга ошириладиган назорат тадбирлари самарадорлигини таъминлаш йўлларини ўрганиш;

-иқтисодиёт эркинлашуви шароитида газначилик тизимида назоратнинг ҳозирги замон муаммоларини ўрганиш ва ҳ.к.

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар ғазначилик ва ғазначилик органлари фаолиятига, ғазначилик тизимида назоратни ташкил этиш назарияси ва амалиётига оид билимга укувга ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Талабалар умумназарий ва умумиқтисодий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда, ғазначилик фаолиятига оид қонунчилик борасидаги янгиликлардан, мамлакатда ғазначилик органлари фаолияти амалиётидаги ва хорижий давлатлар ғазначилик тизимида назоратни ташкил этиш амалиётидаги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим.

## *Фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси*

**Мазкур фанни ўрганиш учун талабалар “Молия органларида назорат ва иқтисодий ишлар”, “Аудит”, “ Молиявий назорат” «Пул,кредит ва банклар», “ Молиявий менежмент ”фанлари каби фундаментал билимларни эгаллашлари лозим. Шу билан биргаликда «Жамғарма иши» фани “Молия” , “Давлат бюджети”, «Банк иши», «Банкларда операцион техника ва бухгалтерия хисоби», «Банк менежменти ва маркетинг» каби фанлар билан хам боғликдир.**

## *Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш тартиблари*

**Талабалар амалий машғулотлар дарсларида қуйидаги ишларни бажаришлари лозимдир:**

- **фандан алохида амалий машғулот учун дафтар тутишлари;**

- **ўқитувчи томонидан хар бир дарсда берилган амалий машғулот топшириқларини ёзиб боришлари;**
- **берилган амалий машғулотлар топшириқларига кейинги дарсгача тайёргарлик кўриб келишлари;**
- **берилган амалий машғулотлар тошириқлари бўйича саволларга жавоб беришлари ва бу бўйича тегишли рейтинг балларини йиғишлари;**
- **тарқатма материалларни синчиковлик билан ўрганишлари;**
- **тушунмаган саволларига ўқитувчи томонидан жавобларни олишлари лозимдир.**

*Амалий машғулотлар мавзулари*

| | | |
|---|---|---|
| | **Фанда ўтиладиган мавзулар** | Жами соатлар |
| **1.** | **"Ғазначилик тизимида назорат" фанининг предмети, мақсади, вазифалари** | **2** |
| 2 | **Ғазначилик тизимида назоратни зарурлиги мохияти ва ўзига хос хусусиятлари** | **2** |
| 3 | **Ғазначилик тизимида молиявий назоратни шакллантирилиши** | ***2*** |
| 4 | **Ғазначиликда назоратни ташкил этиш шакллари** | ***2*** |
| **5** | **Ғазначилик тизимида нархлар мониторингини амалга оширилиши устидан назорат** | ***4*** |
| **6** | **Ғазначилик тизимида нархлар мониторингини амалга оширилиши устидан назорат** | ***4*** |
| **7** | **Ғазначилик тизимида молиявий мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга оширилишининг назорати** | **4** |
| | **Жами соат** | 20 |

3. ***Талабалар томонидан ўзлаштиришлари лозим бўлган амалий машғулотлар мавзулари ва мавзуга тегишли саволлар:*** *(40 соат)*

*Амалий машғулотлар мавзулари*:

1-мавзу. "Ғазначилик тизимида назорат" фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. ( 2 соат)

Режа:

1." Ғазначилик тизимида назорат " фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, унинг бошка фанлар билан боглиқлиги.

2. Ғазначиликнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг давлат бюджетини ижросини таъминлашдаги иштироки.

Адабиётлар рўйхати: 1,2,3

2-мавзу. **Ғазначилик тизимида назоратнинг зарурлиги , мохияти ва ўзига хос хусусиятлари. (2 соат)**

**Режа:**

1.Давлат молиявий назорати таркибида ғазначилик тизимидаги назоратнинг ўрни ва хусусиятлари.

2. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимида назорат: моҳияти, хусусиятлари ва вазифалари.

3. Ғазначилик тизимида назоратни ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, ғазначилик тизимида назоратни самарали ташкил этишга оид хориж тажрибалари.

4. Собиқ Ҳамдўстлик давлатларида ғазначилик тизимида назорат тизимини жорий этиш амалиёти, Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизими назорати шаклланишининг хусусиятлари ва вазифлари.

5. Ғазначилик назоратини самарали фаолиятини таъминлаш юзасидан давлат тадбирлари ва улар ижросининг илк якунлари.

Адабиётлар рўйхати: 1,2,3,5

3-мавзу. Ғазначиликда молиявий назорат шакллантирилиши ( 2 соат)

Режа:

1.Молиявий назоратнтнг мохияти. молиявий назоратни ташкил этилиши .

2. Молиявий назорат турлари, молиявий мажбурият тушунчаси.

3. Мажбуриятларнинг турлари, юридик мажбуриятларнинг вужудга келиши.

4.Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунининг аҳамияти.

5. Ғазначиликда молиявий назоратни такомиллаштириш.

Адабиётлар рўйхати: 1,3,4,5,8

4-мавзу. **Ғазначилик тизими назоратини ташкил этиш шакллари (2 соат)**

Режа:

1.Ғазначилик назоратини ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

2. Ғазначилик назоратининг тамойиллари, мезонлари ва омиллари, давлат бюджети газна ижросида назорат органлари иштирокининг миқёси ва мезонлари.

3. Ғазначилик назоратининг зарурий элементлари, ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами ижроси юзасидан назорат.

4. Ғазначиликнинг бош китоби юритилиши устидан назорат, ғазначилик органларидан назорат.

5. Ғазначиликнинг ахборот тизимидаги мавжуд назорат, ғазначиликда касса назорати, турли босқичдаги ғазначиликнинг бошқарув органлари - ғазначилик Бош бошқармаси томонидан амалга ошириладиган назорат, ғазначилик бошқармаларидаги назорат, ғазначиликнинг туман бўлимлари томонидан амалга ошириладиган назорат, ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами фаолиятининг назорати. Адабиётлар рўйхати: 2,3,5

**5 –Мавзу:Ғазначилик тизимида нархлар мониторингини амалга оширилиши устидан назорат (4 соат)**

Режа:

1.Ғазначиликда нархларнинг шаклланиши устидан назорат, тижорат таклифларидаги нархларнинг таққосланиши.

2. Товар хом-ашё биржалари, бозорлардан маълумотномаларини назорат қилиш тартиби.

3. Тижорат таклифлари назорати, оммавий ахборот воситалари ва ихтисослаштирилган реклама нашрлари оркали тижорат таклифлари назорати.

4. Ҳукумат кафолати бўйича олинган хорижий кредитлар, Жаҳон банки гурухи, ЕТТБ, ОТБ, Халқаро ҳамкорлик Япон банки, "KfW" банки каби халқаро ва хорижий молия инетитутлари томонидан такдим-этилган хорижий гратнлар маблағлари эвазига импорт килинган ёки Узбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган хом-ашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича тендер савдоларини ташкил қилиш механизми юзасидан назорат. Адабиётлар рўйхати: 6,7,8

**6 – Мавзу: Ғазначилик тизимида юридик мажбуриятларни рўйхатга олиниши устидан назорат (4 соат)**

**Режа:**

1.Ғазначилик тизимида мажбуриятларни рўйхатга олиш устидан назоратнинг зарурлиги, тартиби ва вазифалари.

2. Ғазначилик тизимида мажбуриятларни ҳисобга олишни назорат қилишнинг омиллари. Мажбурият қабул қилиш ҳуқуқига эга масъул шахслар фаолиятини назорат қилиш тамойиллари.

3. Хўжалик шартномаси устидан назорат, молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат килиш тартиби. Адабиётлар рўйхати: 4,5,6

**7- Мавзу : Ғазначилик тизимида молиявий мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга оширилишининг назорати (4 соат)**

Режа:

1.Молиявий мажбуриятнинг юзага келиш шартлари ва уни тасдиқловчи ҳужжатларни назорат қилиш.

2.Счет фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи қабул қилиб олиш-топшириш далолатномалари, иш ҳақи қайдномаларини назорат қилиш тартиби.

3. Молиявий мажбуриятнинг Ғазначилик Бош китобида қайд қилиниши устидан назорат.

4. Молиявий мажбуриятларни ҳисобга олинишини назорат қилиш.

5.Қабул қилинган юридик мажбуриятлар, тасдиқланган бюджет режаси меъёрида харажатларни амалга оширишни таъминлаш ҳамда бюджет ташкилотлари кредиторлик қарзларини назорат қилиш, молиявий мажбуриятларнинг лимитини баҳолаш устидан назорат.. Адабиётлар рўйхати 1,3,8

**Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув кўлланмлар рўйхати**

**Асосий дарсликлар ва ўкув қўлланмалар**

1.Кучкаров Д.Ж., Принципь организации казначейского исполнения Государственного бюджета Республики Узбекистан. Уч.пос.-Т.:Мир экономики и права. 2005, стр-И8.

2. Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув кўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005 .

**Қўшимча адабиётлар**

3. Давлат бюджетининг ғазна ижроси норматив-хукукий ҳужжатлар тўплами. - Т: "KoHi-NUR", 2006. - 257 с

4. Принципь организации казначейского исполнения государственного бюджета Республики Узбекистан. - Б.М.: Т.:"Мир экономики и права", 2005. -318 с

5. Вахабов А.В., Срожиддинова З.Х. Государственньх бюджет: Учебник. Т "Иктисод-молия", 2006, стр-625.

6. Вахобов А., Қосимова Г, Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги: Ўқув кўлланма. - Т: Иктисод-молия. 2005, 264бет.

7. Годин А.М., Максимова Н.С., Подпорина И.В. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник.- 2-е изд. испр. и доп. - Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2006., стр-458

8. Интернет сайтлари: httpW www.niinfin.ru h ttpW www.tnf.uz httpWwww.budget.ru httpW www.gov.uz

h ttpWwww.cer.uz httpWwvvw.aig.com httpW www.alskom.uz httpWw_wwj^repjortco